

“Lactalis Agro” ОАЖ штаб-квартираси ходимлари бағдодлик чорвадор билан учрашди

Штаб-квартираси Франциянинг Лаваль шаҳрида жойлашган “Lactalis Agro” очиқ акциядорлик жамияти ходимлари Бағдод туманида самарали фаолият юритиб келаётган “Унсин ая” чорвачилик фермер хўжалигида бўлишиб, икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболдаги масалаларини муҳокама қилишди. Фермер хўжалиги таъсисчиси – Тадбирорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Бағдод тумани Кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Муҳаммаджон Дехқонов хорижлик ишбилармонларни амалий ташриф билан самимий қутлар экан, кўп йиллик манфаатли ҳамкорлик натижалари хусусида батафсил маълумот берди.

Таъкидланишича, мазкур хўжалик 2008 йилдан бўён “Nestle” компанияси билан ҳамкорлик қилиб, ҳар куни 3 минг литр сутни қайта ишлаш учун Наманган шаҳридаги заводга етказиб берган. “Nestle” 2019 йилда сут маҳсулотлари тоифаси бўйича жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчиларидан бири ҳисобланган “Lactalis Agro” ОАЖ билан шартнома тузгач (ушбу шартномага асосан, “Nestle”нинг Ўзбекистондаги сув ва сут бизнеси, жумладан Наманганда жойлашган 2 та завод “Lactalis Agro” компаниясининг мулкига айланган), “Унсин ая” фермер хўжалигидан юборилган сут маҳсулотлари француз компанияси томонидан қайта ишланиши бошланган.

- Хозирда хўжалигимизда 450 бosh насли қорамол парвариш қилинмоқда, - деди М.Дехқонов ҳамкорлар билан сухбатда. – Уларнинг ҳар биридан кунига ўртacha 20-25 литрдан сут соғиб олинмоқда. Озуқадан муаммо йўқ. Бунинг учун етарлича экин майдонларимиз мавжуд. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 8 февралдаги “Чорвачиликни янада ривожлантириш ва чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, аҳоли хонадонларида чорва моллари боқилишини кооперация усулида янада кенгайтириш юзасидан амалий ҳаракатларни бошлаганмиз. Бунинг учун яқин келажакда хориждан 1 минг 200 бosh соғин сигир сотиб олишни мақсад қилганмиз.

Тадбиркорнинг истиқболдаги режалари четэллик ишбилармонларни беътибор қолдирмади ва янги лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкорлик қилиш таклифи билдирилди. Учрашув якунида ўзбекона лутғ кўрсатилиб, меҳмонларга миллийлик намуналарини ўзида жамлаган турли эсдалик совғалари топширилди.

Маълумот учун: “Lactalis” компаниясига 1933 йилда франциялик Бен-елар оиласи томонидан асос солинган бўлиб, ҳозирда дунёнинг 148 мамлакатида компаниянинг юқори сифатли сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. “Lactalis” – сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунёда З-ўринда, пишлок ишлаб чиқариш бўйича эса Европада 1-ўринда бормоқда. Шунингдек, “Lactalis” – Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигининг халқаро стандартларини жорий этаётган хорижий компаниялардан бири ҳисобланади.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.
2022-10-07 11:40:16